

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУКАРИМОВА НОЗИМА ТОШПУЛАТОВНА

**МИТРАЛ СТЕНОЗ КУЗАТИЛГАН ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА
АКУШЕРЛИК ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдукаримова Нозима Тошпулатовна

Митрал стеноз кузатилган хомиладор
аёлларда акушерлик тактикасини танлашга
дифференциал ёндашув асослари..... 3

Абдукаримова Нозима Тошпулатовна

Обоснование дифференцированного подхода
к выбору акушерской тактики у беременных
с митральным стенозом..... 25

Abdukarimova Nozima Toshpulatovna

Rationale for a differentiated approach to the
choice of obstetric tactics in pregnant women
with mitral stenosis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУКАРИМОВА НОЗИМА ТОШПУЛАТОВНА

**МИТРАЛ СТЕНОЗ КУЗАТИЛГАН ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА
АКУШЕРЛИК ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib2991 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.akusherstvo.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Асатова Мунира Мирюсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамадиева Саодатхон Мансуровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Негматуллаева Мастура Нуруллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

А.М. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.Б. Юсупбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сунги йилларда юрак-қон томир касалликлари барча ҳомиладорликларнинг 1-4% ҳолатларида учрайди ва перинатал асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлиб, оналарнинг ўлими структурасини 10% гача ташкил этади. Шу билан бирга, «...юракнинг ревматик нуқсонлари орасида орттилган митрал стеноз 40%ни ташкил этади. Оналар ўлими енгил митрал стенозда 1% ни, оғир митрал стенозда 5% ни, юрак фибриляциясида 17% ни ташкил этади ва барча юрак-қон томир асоратлари орасида энг оғир ва ҳаёт учун хавфли ҳолат ҳисобланади»¹. Ҳомиладорлик ва туғруқ натижалари фақатгина митрал клапан торайиш даражасига, қон айланиши етишмовчилигига, ревматик жараённинг активлигигагина эмас, балки ҳомиладорлик муддатига, туғруқ вақтидаги акушерлик тактикасига ва туғруқ усуллари хам боғлиқ бўлади. Митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда кутилмаган ўлим ва бошқа асоратларнинг (узоқ муддатли давом этувчи чап қоринча дисфункцияси, дилатацион кардиомиопатия, ўпка артерияларининг тромбоэмболияси) олдини олиш, уларнинг ривожланишини тахмин қилиш ва туғруқдан кейинги касалликнинг салбий натижалари учун янги предикторлар ролини аниқлаш замонавий акушерлик ва кардиологиянинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда гемодинамик кўрсаткичлар ва бачадон-плацентар тизимда қон оқимининг ҳолатини кузатиш масалалари бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада туғруқдаги аёлларнинг тана ҳолатига қараб (тик турган, ўтирган, чалқанча ётган) мониторингини ўтказиш, нуқсон турига қараб митрал стеноз билан оғриган ҳомиладор аёлларда гемодинамик бузилишларнинг оғирлигини ва бачадон-плацентар тизимда қон оқими тезлигининг ўзгаришини баҳолаш, туғруқ пайтида онанинг танасининг позициясини ва туғиш усулини танлаш, оператив туғилиш кўрсаткичларини камайтириш, ҳомиладор аёлларнинг ушбу контингентда акушерлик ва перинатал асоратларнинг частотасини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун самарали воситага айлантириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига

¹ Romagano M.P., Quinones J.N., Ahnert A., Martinez R., Smulian J.C. Catecholanimergic polymorphic ventricular tachycardia in pregnancy. *Obstet Gynecol.* 2016; 127(4): 735-739.

малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бевосита постнатал асоратларни, жумладан юрак етишмовчилигининг ҳаёт учун хавфли прогрессиясини олдини олиш, шунингдек бу категориядаги ҳомиладор аёлларда ушбу асоратларни олдини олиш бўйича ўз вақтида диагностика ва профилактик чора-тадбирлар протоколини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги хорижий тадқиқотлар таҳлили, бугунги кунда митрал стеноз кузатилган аёлларда она ва хомила учун хавфни баҳолашда янги маълумотлар олинди ва бу акушерлик тактикасини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Митрал стеноз кузатилган хомиладор аёлларда хомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда асоратлар хавфини баҳолашда акушерлик тактикасини туғри танглашда жуда муҳим ҳисобланади. Адабиётларга кўра, МС билан юрак нуқсонлари кузатилган аёлларда ўлим кўпроқ туғруқдан кейинги ва эрта туғруқдан кейинги даврларда кузатилади. Бачадоннинг қисқариши, чап томон ёки орқага ётган ҳолда, оғрик, безовталик, стресс, қон кетиши ва бачадоннинг инволюцияси туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги даврда гемодинамиканинг катта ўзгаришларини келтириб чиқаради (Li W., 2015). Бола туғилгандан кейин дарҳол қоннинг тезда қайта тақсимланиши юз беради, натижада кескин қон айланиш бузилиши юз бериши мумкин. Янги шароитларга тезда мослашиш учун юрак-қон томир тизимининг катта зўриқиши керак бўлади, бу гемостаз тизимида бузилишларга ва туғруқхонада аёлнинг ўлимига олиб келиши мумкин. Адабиётларга кўра, кўп ҳолларда митрал стеноз кузатилган хомиладорликни тўхтатиш талаб қилинмайди (Li W., 2015; Bauersachs J., 2019). Бир қатор тадқиқотларга кўра (96) режалаштирилган кесар кесиш она ва бола учун афзалликларга эга эмас ва имкон қадар хомиладорликни узайтириш тавсия этилади, бу фавқулудда кесар кесиш операцияси хавфини 12% га камайтиради

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

(91,92). Табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ қон кетиши ва бошқа асоратлар, тромбоз хавфини камайтиради.

Ўзбекистонда ҳомиладорларда магний танқислигида юрак ритми бузилишига (Т.А.Абдуллаев, 2006), юрак-қон томир патологиялари бўлган ҳомиладорларда туғруқнинг турли якунининг клиник-прогностик мезонлари ва хавфини баҳолаш (Ф.А.Закирова, 2018), миокардит кузатилган ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқнинг ўзига хос кечиши (М.Ж.Даулетова, 2020), постмиокардиккардиосклероз фонида йўлдош дисфункцияси кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришга бағишланган (А.А.Тухтабаев, 2020) тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, юрак-қон томир асоратлари ривожланиши эрта клиник-прогностик хавф омиллари, юрак яллиғланиш касалликлари бўлган аёлларда ҳомиладорлик даврида асоратлар ва туғруқ республикада ўрганилмаган. Шундай қилиб, митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорларни юритиш, ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № АДСС 2.3 «Ҳомиладор аёлларда яллиғланиш ва юрак қопқоғи касалликларини ташхислаш, даволаш ва асоратларни олдини олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш» (2012-2015 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда гемодинамик кўрсаткичлар ва бачадон-плацентар қон оқими хусусиятларини туғруқдаги акушерлик тактикаси ва туғруқ усулларига қараб аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

митрал стенози кузатилган аёлларнинг туғруқ тарихларини ретроспектив таҳлил қилиш;

митрал стенози кузатилган ҳомиладор аёлларда гемодинамик кўрсаткичлар динамикаси ва бачадон-ҳомила-плацентар қон оқими хусусиятларини баҳолаш;

митрал стенози кузатилган туғруқдаги аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичлари хусусиятларини туғруқдаги тана ҳолатига ва туғруқ III даврини олиб бориш технологиясига боғлиқ ҳолда баҳолаш;

митрал стенози кузатилган аёлларнинг туғруқдан кейинги даври хусусиятларини туғруқдаги акушерлик тактикаси ва туғруқ усулига боғлиқ ҳолда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, РИОваБСИАТМ Наманга ва Фаргона вилояти филиалларида (стационар ва амбулатор даволаш) туғруқ амалга оширилган митрал стеноз кузатилган 130 нафар ва физиологик ҳомиладорлик билан 50 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда она ва бола гемодинамикасини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун инструментал (кундузги артериал босимни мониторинг қилиш, электрокардиография, юрак эхокардиографияси), хомила доплерометрияси ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

митрал стеноз билан оғриган беморларда ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда асосий гемодинамик кўрсаткичларни мониторинг қилиш орқали гемодинамик асоратларни ривожланиш хавфини, пронозлаш ва махсус профилактика ва терапевтик тадбирларни амалга ошириш имкониятларини баҳолашда компенсатор механизмларнинг прогностик ўрни асосланган;

митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда она ва ҳомилада қон айланишининг бузилиши ва онада юрак етишмовчилиги, онада етишмовчилик мавжудлигидан қатъи назар, юракнинг чап қоринча қон хайдаш фракциясининг (55-70%) ўзгаришига олиб келиши исботланган;

илк бор митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда юрак нуқсони ва ҳомиладорликдан келиб чиқадиган мослашувчан ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда гемодинамик кўрсаткичларни баҳолаш орқали она ва чақалоқда акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш учун туғруқ усулини танлашга дифференциал ёндашиш зарурлиги исботланган;

илк бор митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда вақтидан олдин кесар кесиш амалиёти амалга оширилганда чақалоқларда асоратлар сонини ортиши, туғруқдан олдин метаболик терапия билан табиий туғиш эса бу асоратлар сонини камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган технологияларнинг жорий этилиши митрал стеноз кузатилган аёлларда акушерлик ва перинатал асоратлар частотасини 3 баробарга камайтириши асосланган;

самарали перинатал технологияларни жорий этиш МС билан касалланган аёлларда гемодинамик бузилишлар ривожланиш ва кучайиш хавфини олдини олиши, бачадон-ҳомила-плацентар қон оқимини яхшилаши ва оператив туғруқни амалга ошириш эҳтимолини камайтириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи инструментал, хомила доплерометрияси ва статистик тадқиқот усуллар асосида ҳомиладор аёлларда митрал стенозни диагностика қилиш ва даволаш ёндашувларини асослашнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти митрал стеноз кузатилган аёлларда она ва хомила гемодинамикасин ўрганган ҳолда ҳомиладорликни олиб бориш ва туғруқ усулини танлашга дифференциал ёндашув, шунингдек туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги асоратларини олдини олишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти она ва ҳомиладаги асоратларни олдини олиш ва туғруқдан кейинги даврда юрак етишмовчилигини камайтирган ҳолда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда гемодинамик кўрсаткичлар ва бачадон-плацентар қон оқими хусусиятларини туғруқдаги акушерлик тактикаси ва туғруқ усуллариға қараб аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: митрал стеноз билан оғриган беморларда ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда асосий гемодинамик кўрсаткичларни мониторинг қилиш орқали гемодинамик асоратларни ривожланиш хавфини, пронозлаш ва махсус профилактика ва терапевтик тадбирларни амалга ошириш имкониятларини баҳолашда компенсацион механизмларнинг ўрни асосланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 ноябрда 12у-т/8-сон билан тасдиқланган «Митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғишни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Наманган филиали бўйича 05.01.2024 йилдаги 10-сон ҳамда РИОваБСИАТМ Фарғона филиали бўйича 28.12.2023 йилдаги 110-сон амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда она гемодинамикасидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш она ва ҳомила томонидан кузатилиш ихтимоли бўлган асоратларнинг олдини олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* юрак қон томир етишмовчилигини стационар шароитида ташхислаш учун сарфланадиган 1720000 сўм бюджет маблағлари митрал стеноз кузатилган аёлларда юрак қон томир етишмовчилиги ўсишини динамикада 4 марта текширув ўтказиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда она ва ҳомилада қон айланишининг бузилиши, шунингдек, онада юрак етишмовчилиги, онада етишмовчилик мавжудлигидан қатъи назар, чап қоринча қон ҳайдаш фракциясининг (55-70%) ўзгаришига олиб келиши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 ноябрда 12у-т/8-сон билан тасдиқланган «Митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғишни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Наманган филиали бўйича 05.01.2024 йилдаги 10-сон ҳамда РИОваБСИАТМ Фарғона филиали бўйича 28.12.2023 йилдаги 110-сон амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда фето-плацентар етишмовчилигини ўз вақтида аниқлаш перинатал асоратларнинг олдини олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* юрак етишмовчилигини стационар шароитида ташхислаш

учун сарфланадиган 1935000 сўм бюджет маблағлари митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда юрак қон томир етишмовчилиги ва фетоплацентар етишмовчиликни бир марта аниқлаб, кейинги динамик текширувларда бачадон-йўлдош-хомила қон айланишининг ўзини текширишни амалга ошириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: илк бор митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда юрак нуқсони ва ҳомиладорликдан келиб чиқадиган мослашувчан ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда гемодинамик кўрсаткичларни баҳолаш орқали акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш учун туғиш усулини танлашга дифференциал ёндашиш зарурлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 ноябрда 12у-т/8-сон билан тасдиқланган «Митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғишни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Наманган филиали бўйича 05.01.2024 йилдаги 10-сон ҳамда РИОваБСИАТМ Фарғона филиали бўйича 28.12.2023 йилдаги 110-сон амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* туғруқ усулларига дифференциаллашган ёндашув натижасида физиологик туғруқ ҳисобига акушерлик, перинатал ва туғруқдан кейинги асоратларни камайишига ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* туғруқдан кейинги даврда стационар шароитида чақалоқлар учун сарфланадиган 911800 сўм бюджет маблағлари митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда кесар кесиш амалиёти билан туғиш ўрнига табиий усулда туғруқни амалга ошириш ва туғруқдан кейинги даврни қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда вақтидан олдин кесар кесиш амалиёти амалга оширилганда чақалоқларда асоратлар сонини кўпайтириш, туғруқдан олдин тайёргарлик билан табиий туғиш эса бу асоратлар сонини камайтириши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 ноябрда 12у-т/8-сон билан тасдиқланган «Митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғишни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Наманган филиали бўйича 05.01.2024 йилдаги 10-сон ҳамда РИОваБСИАТМ Фарғона филиали бўйича 28.12.2023 йилдаги 110-сон амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда вақтидан олдин туғруқ кузатилган аёлларда кесар кесиш амалиёти амалга оширилади ва чақалоқларда юзага келадиган асоратлар сони ошиб боради. Табиий туғруқ амалга оширилганида асоратлар сонини камайиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* туғруқдан кейинги даврда стационар шароитида чақалоқлар учун сарфланадиган 1314600 сўм бюджет маблағлари митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда вақтидан олдин кесар кесиш амалиётини олдини олиш ва ўз вақтида туғруқ амалга ошириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Митрал стеноз кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш - минимал хавф стратегияси. (адабиётлар шарҳ)"** маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг ишларига умумий нуқтаи назарни ўз ичига олади, ҳомиладорлик даврдиги адаптацион ўзгаришлар, митрал стеноз белгилари, ҳомиладорлик вақтидаги ўзгаришлар ва туғруқни амалга ошириш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **"Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг **характеристикаси"** деб номланган иккинчи бобида ўрганиш объектининг хусусиятлари ва муаммони ҳал этишни таъминловчи усуллар келтирилган. Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари баён қилинган. Иш 2017 йилдан 2021 йилгача 1-сон Тошкент Шаҳар Перинатал Марказида (№1ШПМ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт марказида, Наманган ва Фарғона вилояти ПМда ўтказилган МС билан туғруқ амалга оширилган аёлларнинг туғруқ ва туғруқдан кейинги даврни ретроспектив таҳлил қилади. Тадқиқотнинг биринчи босқичида анамнез маълумотлари, ўтмишдаги касалликлар, митрал стенознинг клиник кўринишлари табиати ва ҳомиладорлик вақтида ЮЕнинг ривожланиши, бачадон-йўлдош-хомила қон айланишининг бузилиши, туғруқ усуллари таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг ретроспектив қисми 176 аёлнинг ҳомиладорлик ва туғруқ натижалари таҳлилини ўз ичига олди.

Текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Умумклиник усуллар

2. Эхографик текширувлар ва доплерография.
3. Аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичлари интеграл кўрсаткичлари ҳисоб-китоби билан баҳоланди: АД, ЮУС, ЮДХ, ЗХ, УПТҚ.
4. Гематологик кўрсаткичларни ўрганиш қондаги гемоглобин миқдорини, гематокрит кўрсаткичларини, ранг кўрсаткичини, эритроцитлар сонини аниқлашни ўз ичига олди.
5. Доплерометрик текширув қуйидагиларни ўз ичига олди: бачадон ва спирал артериялари унинг терминал шохлари, киндик артерияси ва, аорта, ўрта мия артерияси, веноз канал, ҳомила пастки кавак венаси қон оқими.

Асосий гуруҳни митрал стеноз билан, асосан чап атриовентрикуляр тешигининг (АВТ) стенози билан ташхис қўйилган 130 ҳомиладор аёллар ташкил этди;


Назорат гуруҳни физиологик ҳомиладорлик билан 50 ҳомиладор аёллар ташкил этди.

Текширилган ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $29,7 \pm 1,4$ ни ташкил этди. Барча беморларнинг анамнези, менструал циклнинг шаклланиши ва хусусиятлари, репродуктив функцияси, соматик патологиянинг мавжудлиги ва ифодаланиши ўрганилди. Ҳомиладорликнинг хусусиятлари, туғруқ усуллари, ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг ҳолати, шунингдек, туғруқдан кейинги давр ҳар икки гуруҳда таҳлил қилинди. Текширув жараёнида диагноз қўйиш жараёнига алоҳида эътибор берилди. СЮЕнинг босқичлари Нью-Йорк кардиологлар ассоциациясининг классификацияси бўйича баҳоланди (IV синф).

Олинган натижалар «Excell» илова дастурлари пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Сараланганларнинг тўғри тақсимланганлиги текширилгач, Стьюдент (t) мезони асосида хатолар эҳтимоли (p) ҳисобга олиниб, параметрик вариантлар таққосланди.

Диссертациянинг «Митрал стеноз кузатилган аёллар туғруқ тарихининг ретроспектив таҳлили» деб номланган учинчи бобида 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда 1-сон Тошкент Шаҳар Перинатал Марказида (№1ШПМ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт марказида, Наманган ва Фарғона вилояти ПМда митрал стенози билан 176 ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик даври, ҳомила ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилди. Аёлларнинг ўртача ёши $26,1 \pm 0,4$ ёшни ташкил этди.

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра биринчи марта ҳомиладор бўлганлар улуши 31,8% ва биринчи марта туғувчилар 36,9% ни ташкил этган (1 расм).



1 расм. МС кузатилган аёлларнинг паритети (ретроспектив таҳлил).

Митрал стеноз кузатилган аёлларда хомиладорликнинг кечиши таҳлил қилинганда, хомиладорлик токсикози 24,4%ни, хомила тушиш хавфи 28,4%ни, катта хомила 4,5 ва камсўқлилик 4%ни ташкил қилди.

Митрал стеноз кузатилган аёлларда туғруқнинг кечиши ретроспектив таҳлил қилинганида 92% ҳолатларда ўз вақтида туўруқ амалга оширилганлиги маълум бўлди. Аксарият ҳолатларда 58,5%да туўруқ кесар кесиш амалиёти ёрдамида амалга оширилган. Шулардан 35,8% ҳолатларда кесар кесиш амалиёти шошилиш тарзда олиб борилган.

Янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати Апгар шкаласи бўйича баҳоланган. 53%ни 6-7 балл билан туғилган чақалоқлар, 40,3%ни 7-8 балл ва 6,8%ни 5-6 балл билан ту-илагн чақалоқлар ташкил қилган (2 расм).



2 расм. Апгар шкаласи бўйича чақалоқларни баҳолаш.

Шундай қилиб, ретроспектив таҳлил натижалари хомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврнинг оғир кечиши, оператив туғруқларнинг юқори

фоизини кўрсатади. Акушерлик тактикаси жиҳатидан жарроҳлик йўли билан туғруққа устунлик берилган. Кесар кесишнинг юқори кўрсаткичлари ушбу гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати билан мос келмаган ва юқори перинатал касаллик ва ўлим кўрсаткичларига олиб келган. Юзага келган вазият ҳомиладорлик ва туғруқларни олиб бориш тактикасининг кўплаб жиҳатларини, юрак-қон томир касалликларини классификациялаш масалаларини, ҳомиладорликка тайёргарлик ва туғруқ ҳамда туғруқдан кейинги даврни олиб бориш принципларини халқаро стандартларга мос равишда кўриб чиқишни талаб қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, марказий гемодинамика ва бачадон-ҳомила-плацентар қон оқимини проспектив ўрганиш натижалари**». Тадқиқот объектлари сифатида 130 нафар митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёллар олган. Митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларни кузатиш давомида, улар ҳомиладорлик даврида мунтазам равишда кардиолог шифокорга ташриф буюришди. Барча беморлар ҳомиладорликнинг 16-24 ҳафтасидан бошлаб кузатувга олинди ва туғруққача ва ундан кейин 40 кун давомида динамикада кузатган. Биз 50 нафар фертил ёшдаги соғлом аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичларини ўргандик. Олинган маълумотлар ҳомиладор аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичларини баҳолашда назорат сифатида хизмат қилган.

50 нафар (назорат гуруҳи) фертил ёшдаги соғлом аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичларини ўргандик. Олинган маълумотлар ҳомиладор аёлларнинг гемодинамик кўрсаткичларини баҳолашда назорат сифатида хизмат қилган.

Деярли соғлом аёлларнинг ўртача гемодинамик кўрсаткичларини баҳолаш 1-жадвалда акс эттирилган.

1 жадвал

Фертил ёшдаги аёлларда гемодинамик кўрсаткичлар

Ўрганилган кўрсаткичлар	Текширилган аёллар, n=50
САБ, мм.сим.уст.	110,5±1,6
ДАБ, мм.сим.уст.	70,8±1,0
ЮУС, в/мин	72,4±13,3
МЮХ, л/мин	5,5±1,2
ЗХ, мл	76,0±8,1
ЯДХ, см ³	124,2±7,3
ЯСХ, см ³	48,2±2,3
ЗИ, мл/м ²	38,9±0,5
ЮИ, л/мин/м ²	2,7±0,04
УПҚТҚ, дин·с·см ⁻⁵	1496,5±18,3
ҚХФ, %	61,0±3,4

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, деярли соғлом ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида деярли соғлом бўлмаган аёлларга қараганда систолик ва диастолик қон босимининг (САБ ва ДАБ мос равишда) пасайиши 1,9% ва 8,9% га қайд этилган. Фертиль ёшдаги аёлларнинг ўртача САБ кўрсаткичи $110,5 \pm 1,6$ мм сим.уст.га қарши 6-12 ҳафтада ҳомиладор аёлларда $108,4 \pm 1,6$ мм сим.уст.ни ташкил этди, ДАБ қийматлари ҳам пасайган ва ўртача $64,5 \pm 1,0$ мм.сим.уст.га қарши ҳомиладор бўлмаганларда $70,8 \pm 1,0$ мм сим.уст.ни ташкил этди ($P < 0,001$). Қон босимининг ўртача қийматларининг пасайиши 13-19 ҳафтада ҳам кузатилган ва $104,4 \pm 1,5$ мм сим.уст. ва $68,7 \pm 1,0$ мм сим.уст.га тенг бўлган.

Ҳомиладорликнинг давом этиши билан САБ ва ДАБнинг ўртача қийматлари оша бошлади, 27-33 ҳафтадан бошлаб 34-40 ҳафтада $120,4 \pm 1,7$ мм сим.уст. ва $84,2 \pm 1,4$ мм сим.уст.га етди ($P < 0,001$). Юрак уриш сони бўйича, ҳомиладор аёлларнинг ЮУС ўртача қийматлари ҳомиладор бўлмаган аёлларга қараганда юқорироқ эди ва 6-12 ҳафтада бу кўрсаткич $75,4 \pm 13,6$ минга қарши $72,4 \pm 13,3$ минга тенг бўлган. Ҳомиладорликнинг давом этиши билан ЮУСнинг ортиши кузатилган, 27-33 ҳафтада у $86,5 \pm 13,2$ минга, 36-40 ҳафтада $84,5 \pm 14,5$ минга тенг бўлган. Ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб катта ўзгаришларнинг гормонал фон таъсири остида бўлганлиги кузатилган.

Ушбу босқичда олиб борилган тадқиқотларнинг мақсади 27-33 ва 34-40 ҳафтада 50 деярли соғлом ҳомиладорларда қон оқимини ўрганиш бўлди. Қон оқими тезлигининг эгриларини баҳолаш систоло-диастолик нисбати (С/Д), резистентлик индекси (РИ) ва пульсация индекси (ПИ) орқали амалга оширилди. Биз 50 нафар физиологик кечувчи гестацион даврдаги ҳомиладор аёлларнинг асосий гемодинамик кўрсаткичларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳомиладорликнинг давом этиши давомида аёлларнинг марказий гемодинамика кўрсаткичлари 2 жадвалда кўрсатилган, ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $25,4 \pm 1,2$ йилни, ҳомиладор бўлмаганлар учун $24,3 \pm 1,7$ ёшни ташкил этди.

Шу тариқа, нормал кечувчи ҳомиладорликда ҳомиладорлик давомида бачадон ва киндик артериялар тизимидаги қон томир қаршилигининг пасайишини кўрсатди. Бу кўринишича, плацентанинг қон томир тармоқлари шаклланиши билан боғлиқ мураккаб жараёнлар, периферик қон томирлар сонининг ортиши билан боғлиқ. БАда қон томир қаршилигининг пасайиши 38 ҳафтагача давом этди, кейин туғруқ даврига келиб бу кўрсаткичлар ушбу қон томирларда ишончли равишда ошди. БАдаги қон томир қаршилиқ индекслари динамикасига нисбатан ПИ, РИнинг КАда пасайиши аниқроқ характерга эга бўлди ва ҳомиладорликнинг охиригача давом этди. 27-33 ҳафтадан бошлаб ҳомиладорнинг аортаси ва ЎМА кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлди. ФПҚ оқимидаги қон оқими хусусиятларини ўрганиш, МС мавжудлигида айниқса қон оқими бузилиш даражасини ва ҳомиладорнинг тўғридан-тўғри компенсатор имкониятларини баҳолаш имконини беради.

2.жадвал

Ҳомиладорлик физиологик кечган аёлларда бачадон-ҳомила-плацентар қон оқими кўрсаткичлари (n=50)

Қон оқими кўрсаткичлари	Текширилувчи аёлларда ҳомиладорлик муддатлари		P
	27-33 ҳафта	34-40 ҳафта	
БА			
С/Д	2,23±0,07	1,95±0,06	<0,01
ПИ	0,75±0,02	0,56±0,01	<0,001
РИ	0,69±0,02	0,35±0,01	<0,001
КА			
С/Д	2,95±0,09	2,24±0,06	<0,001
ПИ	1,01±0,03	0,75±0,02	<0,001
РИ	0,67±0,02	1,14±0,03	<0,001
Ҳомила аортаси			
С/Д	4,96±0,15	5,77±0,14	<0,001
ПИ	1,64±0,05	1,28±0,03	<0,001
РИ	0,81±0,03	0,77±0,02	
ЎМА			
С/Д	4,96±0,15	4,42±0,13	<0,05
ПИ	1,38±0,04	1,32±0,03	
РИ	0,75±0,02	0,72±0,02	

Диссертациянинг “4.2. Митрал стеноз кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, гемодинамик кўрсаткичлари ва бачадон-ҳомила-плацентар қон оқимининг хусусиятлари” қисмида митрал стенози билан ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғруқ даврида ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Митрал стеноз кузатилган ҳомиладорларни касаллик оғирлик даражасига кўра тақсимланиши 3 жадвалда келтирилган.

3 жадвал

Митрал стеноз кузатилган ҳомиладорларни касаллик оғирлик даражасига кўра тақсимланиши(n=130)

Оғирлик даражаси	МК очиклик майдони (см ²)	Трансмитралград иент, мм сим. уст.	Ўпка гипертенўияси даражаси (мм.сим.уст.)	Ҳомиладорлар сони (n=76)
I	1,6±0,34	4,5±0,5	27±3,1	93 (71,5%)
II	1,3±0,37	6,6±2,2	32±3,8	27 (20,8%)
III	0,8±0,32	9,4±1,7	48±5,3	10 (7,7%)

I даражали юрак етишмовчилиги бўлган ҳомиладорлар гуруҳига, жисмоний зўриқишда нафас қисилиши ва тез чарчаш шикоятлари бўлган беморлар киритилди. II даражадаги юрак етишмовчилиги бўлган ҳомиладорлар эса, дам олиш вақтида ёки енгил жисмоний зўриқишда нафас қисилиши ва юрак уришларининг тезлашиши шикоятлари билан ажратилди. Кўрик пайтида беморларнинг тери қопламаларининг оқарганлиги ва акроцианози кузатилди. Аускультацияда қаттиқ нафас эшитилди. МС билан беморларда ритм бузилишлари мерцател аритмия, вентрикуляр экстрасистолия ва пароксизмал тахикардия кўринишида намоён бўлди.

Ушбу босқичда ўтказилган тадқиқотлар доираси да бачадон-плацентар қон оқимини комплекс баҳолашга уриниш амалга оширилди.



3 расм. Митрал стеноз кузатилган аёлларда юрак етишмовчилигининг даражалари.

Бачадон-плацентар қон оқими текширилган УТТ сканери ЭХО Доплер, Mindrey-70 фирмасидан олинган, абдоминал датчик 7-12 мГц – 2,5-5 мГц кувватда, рангли доплер ва импульс доплерометрия орқали бачадон ва спираль артериялари, киндик артерияси, ҳомила кўкрак қисмидаги аорта ва ўрта мия артерияси (ЎМА) текширилди. Қон оқими тезлиги эгри чизиклар орқали текширилган, бу систоло-диастолик нисбат (С/Д), резистентлик индекси (РИ) ва пульсацион индекс (ПИ)ни аниқлаш орқали амалга оширилган.

Доплерометрик текширишлар натижалари таҳлили физиологик равишда давом этаётган ҳомиладорлик даврида бачадон артерияларида томир қаршилиги индексларининг пасайиши кузатилганини кўрсатди. Бачадон

артерияларида ПИ энг кўп пасайган, у етилган ҳомиладорлик даврида $0,55\pm 0,02$ ва РИ $0,35\pm 0,01$ ни ташкил этган. Ҳомиладорликнинг III триместрида киндик артериясида томир қаршилиги ПИ $0,75\pm 0,02$, РИ $1,14\pm 0,03$ ни ташкил этган. Ҳомила аортасида қон оқими текшириш натижалари ҳомиланинг ўрта мия артериясида (ЎМА) томир резистентлик индекслари бироз ортиши ва ПИ $1,22\pm 0,03$, РИ $0,67\pm 0,02$ ни ташкил этганини кўрсатди. Туғруқдан олдин ҳомила аортасидаги томир резистентлик индекслари бироз ошган, бу ҳомиланинг миясининг етилиши натижасида қон айланиши қайта тақсимланиши мумкинлигини кўрсатиши мумкин.

4 .жадвал

Митрал стенози бўлган ҳомиладорларда 28-32 хафтада бачадон-ҳомила-плацентар қон оқимининг кўрсаткичлари

Қон оқими кўрсаткичлари	Текширилган аёллар		P
	Назорат гуруҳи n=50	Асосий гуруҳ n=130	
Бачадон артерияси			
С/Д	$1,95\pm 0,1$	$2,37\pm 0,1$	<0,001
ПИ	$0,55\pm 0,02$	$0,69\pm 0,02$	<0,001
РИ	$0,35\pm 0,01$	$0,38\pm 0,01$	<0,05
Киндик артерияси			
С/Д	$2,24\pm 0,1$	$3,32\pm 0,1$	<0,001
ПИ	$0,75\pm 0,02$	$1,12\pm 0,03$	<0,001
РИ	$1,14\pm 0,03$	$0,75\pm 0,02$	<0,001
Ҳомила аорта томири			
С/Д	$4,77\pm 0,2$	$5,78\pm 0,2$	<0,001
ПИ	$1,28\pm 0,03$	$1,36\pm 0,04$	
РИ	$0,76\pm 0,03$	$0,71\pm 0,03$	
Ўрта мия артерияси			
С/Д	$4,42\pm 0,1$	$4,8\pm 0,2$	<0,05
ПИ	$1,22\pm 0,03$	$1,37\pm 0,04$	<0,01
РИ	$0,67\pm 0,02$	$0,74\pm 0,02$	<0,05

Қон оқими кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари МС билан ҳомиладор аёлларда томирлар резистентлик индексларининг ишончли ортишини кўрсатди. Масалан, БАдаги томирларда қаршилиқ кўрсаткичлари МС билан ҳомиладор аёлларда меъёрий қийматлардан юқори бўлган, ПИ назоратдаги гуруҳлар $0,55\pm 0,02$ га қарши $0,69\pm 0,02$ ни ташкил этган, ($P<0,001$). Ҳомила аортасидаги қон оқими кўрсаткичлари бироз пасайган. Киндик артериясидаги қон оқими кўрсаткичлари бўйича назоратдаги $0,75\pm 0,02$ га қарши, ПИ ошган ва $1,12\pm 0,03$ ни ташкил этган, ($P<0,001$). Бачадон-плацентар ва ҳомила-плацентар қон оқимини тадқиқотлар МС билан ҳомиладор аёлларда бачадон артерияларининг систоло-диастолик нисбатини 21,5% га ортишини

кўрсатди, бу периферик томирлар қаршилигининг ортиши билан босимнинг пасайишига сабаб бўлди, айниқса плацентация томонида.

Тадқиқот натижалари МС билан ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг ўрта мия артерияси (ЎМА) ва киндик артериясида (КА) томирларнинг резистентлик индексларининг муҳим ортишини кўрсатди. 18 нафар (41,9%) ҳомиладор аёлда ҳомиланинг ЎМАдаги қон оқимини бузилиш белгилари аниқланмаган, 5(11,6%) ҳомиланинг ЎМАда томирлари резистентлик индексининг ишончли пасайиши аниқланган, бу эҳтимол плацентар перфузиянинг пасайиши ҳрлатида қон оқимининг компенсатор централизациясини кўрсатади.

